

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРАДИГАН  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ  
ИНСТИТУТИ**

**ҚУЗИЕВ УЛУҒБЕК ТАДЖИЕВИЧ**

**БОҒ ДАРАХТЛАРИ ИЛДИЗ ТИЗИМИГА СУЮЛТИРИЛГАН  
ЎҒИТЛАРНИ ҚУЯДИГАН ИШЧИ ҚИСМ  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Қузиёв Улуғбек Таджиевич**

Боғ дарахтлари илдиз тизимига суюлтирилган ўғитларни қуядиган ишчи  
қисм параметрларини асослаш..... 3

**Қузиёв Улуғбек Таджиевич**

Обоснование параметров рабочего органа по внесению разжиженных  
удобрений в корневую систему садовых деревьев..... 21

**Kuziev Ulugbek Tadjievich**

Substantiation of parameters of the working body introducing liquid  
fertilizers to the root system of garden trees..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРАДИГАН  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ  
ИНСТИТУТИ**

**ҚУЗИЕВ УЛУҒБЕК ТАДЖИЕВИЧ**

**БОҒ ДАРАХТЛАРИ ИЛДИЗ ТИЗИМИГА СУЮЛТИРИЛГАН  
ЎҒИТЛАРНИ ҚУЯДИГАН ИШЧИ ҚИСМ ПАРАМЕТРЛАРИНИ  
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T943 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Худаяров Бердирасул Мирзаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нуриев Карим Катибович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Мусурмонов Аззам Турдиевич**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.01 рақамли илмий кенгашнинг **2020 йил «7» август соат 11<sup>00</sup>** даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «10» июл куни тарқатилди.

(2020 йил «10» июл даги №3 рақамли реестр баённомаси).



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда боғ дарахтларини суяқ ўғитбилан озиклантиришнинг энергия ресурстежамкор технологияси ва техника воситаларини ишлаб чиқариш етакчи ўринни эгалламоқда. “Дунё миқёсида 40 млн. гектар майдонда мева етиштирилиши”<sup>1</sup>ни ҳисобга олсак, боғларга ўғит шарбатини қуйишнинг энергия-ресурстежамкор технологияларни, иш сифати ва унуми юқори техник воситаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда. Шу билан бирга боғ қатор ораларидан бир ўтишда тупроққа ишлов беришҳамдаҳар бир дарахт илдизи тарқалган ҳудудга ўғит шарбатини локал қуйиш бўйича барча технологик жараёнларни бажарадиган машиналарни ишлаб чиқиш ва қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда боғ қатор ораларига ўғит шарбатини қуйишнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда боғ қатор ораларига ўғит шарбатини локал қуядиган ишчи қисмнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва технологик иш жараёнини асослаш, унинг тупроқ ва дарахт илдизи билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларида ресурстежамкорликни таъминлаш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан кўп функцияли ишчи қисмларни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, мева-сабзавотчилик ва узумчилик маҳсулотларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилиб, жумладан боғ қатор ораларига ўғит шарбатини локал қуйишда кам энергия сарфлаб, барча технологик жараёнларни сифатли бажарилишини таъминлайдиган техника воситаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, “...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш”<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан боғ қатор ораларига ўғит шарбатини локал қуядиган машиналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳисобига мевали дарахтлардан юқори ҳосил олиш ва

<sup>1</sup>faostat.fao.org.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 –сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

уларнинг таннархини пасайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПФ-3709-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246 Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Боғларга ўғит шарбатини локал қуядиган кўп функцияли ишчи қисмнинг технологик иш жараёнини тадқиқ этиш ва параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар хорижда McKeyes E.Soil, J.William, Sr.Dietrich, Н.Д.Спиваковский, Г.К.Васкан, В.Д.Корнейчук, В.К.Плакиди, В.Н.Кичигин, Г.В.Настас, А.В.Маргвелашвили, В.И.Пиндак, И.Б.Борисенко, А.В.Майоров, М.К.Шайхов, А.Ю.Измайлов, В.К.Пишкин, С.Р.Соболев, И.Б.Козлов, Л.А.Марченко, Г.В.Романов, Б.Е.Степанов, Т.В.Мочкова ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ушбу йўналишда республикамизда эса Ю.М.Джавакянц, М.М.Мирзаев, И.Аширбеков, У.Комилов, А.Т.Мусурмонов ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу тадқиқотлар натижалари асосида яратилган машина ва қурилмалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижалар эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, бу тадқиқотлар боғ дарахтлари илдиз тизимига ўғит шарбатини қуядиган кўп функцияли ишчи қисмнинг кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминлайдиган параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-3-065-2015 – «Республикамиз фермер хўжаликларида пахта-буғдой, буғдой (арпа)-чорва озуқа экинлари, буғдой-сабзавот (картошка) ва полиз экинлари алмашлаб экиш тизимларида ҳамда интенсив боғ ва токзорлар қаторлари орасига янги сув-энергия-ресурстежамкор технологияларни ва уларни амалга оширадиган техника воситаларини яратиш ва жорий қилиб, тупроқ унумдорлигини ошириш, намлигини узок сақлаш, йилига 1,5-2,0 мартадан юқори, арзон сифатли ҳосил етиштириб, фермерликни ривожлантириш» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** боғ дарахтларнинг илдиз тизимига ўғит шарбатини белгиланган чуқурликда ва миқдорда қуйишни таъминлайдиган ишчи қисмнинг параметрларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўғит шарбати ва боғ тупроқларининг физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш;

боғ дарахтлари илдизларининг тупроқда қатламлар бўйича тақсимланиши ва тармоқланиши (архитектоникаси)ни тадқиқ этиш;

ўғит шарбатини қуйишга мўлжалланган ишчи қисмларни таҳлили асосида кўп функцияли ишчи қисмнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш;

дарахт илдиз тизимига ўғит шарбатини белгиланган чуқурликда ва миқдорда қуйишни таъминлайдиган кўп функцияли ишчи қисмнинг параметрларини асослаш;

кўп функцияли ишчи қисм ёрдамида дала синовлари натижаларининг агротехник талабларга мослигини баҳолаш ва унинг энергетик ҳамда техник-иктисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида мевали дарахтлар илдиз тизими архитектуроникаси, боғ қатор оралари рельефи, тупроғи ва ишчи қисмнинг технологик иш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** агрегат энергетик ва сифат кўрсаткичларини ўзгариш қонуниятлари, ишчи қисмнинг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ифодаловчи аналитик ифодалар, ишчи қисмнинг рационал параметрлари.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий хужжатларда (TSt 63.04.2001, TSt 63.03.2001, РД Уз 63.03-98, O'zDst 3226:2017) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мевали дарахтлар илдиз тизимига ўғит шарбатини локал қуядиган кўп функцияли ишчи қисмнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

агрегат тезлигига мос ўғит шарбатини тўкилишини таъминлайдиган кинематик режим кўрсаткичи аналитик боғланишлар асосида аниқланган;

ишчи қисмнинг ҳар бир дарахт илдиз тизимига бериладиган ўғит шарбати жойлашадиган ҳажми ҳосил қиладиган параметрлари аналитик боғланишлар асосида аниқланган;

ишчи қисмнинг периметри бўйича палахсани қирқишда кам энергия сарфини таъминлайдиган параметрлари аналитик боғланишлар асосида аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

боғ дарахтларини озиклантириш учун бир йўла эгат очиш, гўнг шарбатини қуйиш ва кўмишни амалга оширадиган ишчи қисм ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган технология ва агрегат ёрдамида боғ қатор ораларига

ўғит шарбатини локал кўмиб ҳосилдорликни 15-30% гача оширишга эришилган;

агрегатнинг мақбул параметрлари ва иш режимларида ўғит шарбатини локал кўмилиши орқали тупроқ хусусияти яхшиланиши ва дарахт ҳосилдорлиги ошиши аниқланган.

**Тадқиқот натижасининг ишончлилиги.** Изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий тадқиқотларни назарий ва деҳқончилик механикаси қоидалари асосида амалга оширилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мослиги, агрегатнинг дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти тупроққа ишлов бериб, ўғит шарбатини кўмиш агротехнологиясининг энергия, сифат кўрсаткичларини ишчи қисмнинг параметрларига боғлиқлигини ифодаловчи аналитик боғланишлар ҳамда ҳисобий моделлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган технология ва уни амалга оширадиган агрегат билан боғ дарахтларига ўғит шарбатини ҳар бир дарахт илдиз тизимига кўмиш ҳисобига ҳосилдорлик ошишига эришилганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мевали дарахтлар илдиз тизимига ўғит шарбатини локал қуядиган кўп функцияли ишчи қисмни ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

мевали дарахтлар илдиз тизимига ўғит шарбатини локал қуядиган кўп функцияли ишчи қисм конструкцияси Қибрай тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13-январдаги 02/023-117-сон маълумотномаси). Натижада бир гектар майдонга сарфланадиган ёнилғи мойлаш материалларини 36,4 фоиз, меҳнат сарфини 36,0 фоиз камайишига эришилган;

боғ дарахтларини озиклантириш учун бир йўла эгат очадиган, гўнг шарбатини қуядиган ва кўмадиган чўмичсимон ишчи қисм конструкцияси Ўртачирчиқ тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13-январдаги 02/023-117-сон маълумотномаси). Натижада бир гектар майдонга эксплуатацион харажатлар 41,8 фоизгача камайтириш имкони яратилган;

боғ дарахтлари илдиз тизимига тайинланган миқдорда, белгиланган масофа ва чуқурликда гўнг шарбатини қуядиган ишчи қисмишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) “ВМКВ-Агромаш” АЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13-январдаги 02/023-117-сон маълумотномаси). Натижада мевали дарахтлар илдиз тизимига ўғит шарбатини қуядиган машинанинг ишчи қисм конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари,



жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўғит шарбатини боғларга локал қуйиш ҳолати, тадқиқот мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида ўғит шарбатини боғ ҳосилдорлигига таъсири, боғларга ўғит шарбатини қуйиш усуллари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг таҳлили ва ўғит шарбатини боғларга локал қуйиш бўйича назарий тадқиқотлар таҳлил қилинган ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Ўтказилган таҳлилларни кўрсатишича, ўғит шарбатини боғларга локал қуйишда ўғит самарадорлигини ошириш ва тупроқнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш ҳамда ёнилғи сарфи, меҳнат ва бошқа харажатларни камайтиришга ўғит шарбатини боғларга локал қуйиш ишчи қисми қўллаб эришиш мумкин.


Диссертациянинг «**Мевали дарахтларилдиз морфологияси, ўғит шарбати ва боғ тупроғининг физик-механик хоссалари**» деб номланган иккинчи бобида мевали дарахтларнинг илдиз морфологияси, илдизларни узишга сарфланадиган кучни аниқлаш усули ва натижалари, гўнг шарбатининг таркибига боғ қатор оралари тупроғининг физик-механик хоссалари бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўтказилган таҳлиллар кўрсатишича, мевали дарахт илдизи 60 см чуқурликгача 70 см радиусда тарқалиши, ўғит шарбати намлиги 92 фоиз бўлганда аралашма яхши аралашиб қатламларга ажралмайди ва белгиланган жойга тайинланган миқдорда қуйилиш имкониятига эга, илдизларнинг диаметри 10-14 мм бўлганда уни узишга сарфланадиган куч 150-250Н, тупроқнинг намлиги 17-19 % ва қаттиқлиги эса 0,8-1,7 МПа ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Боғларга ўғит шарбатини локал қуядиган ишчи қисм параметрларини асослаш» деб номланган учинчи бобида боғларга ўғит шарбатини локал қуйиш технологиясининг технологик параметрлари, боғларга ўғит шарбатини локал қуйиш агрегати ва таклиф этилаётган ишчи қисмнинг конструктив схемаси ҳамда асосий параметрлари, ўғит шарбатини локал қуядиган ишчи қисмга қўйиладиган агротехник талаблар, ишчи қисм геометрик ўлчамларини қўйиладиган ўғит шарбатимикдори бўйича асослаш, ўғит шарбатини тўкилиш давомийлигини агрегат ҳаракат тезлигига мослигини таъминлаш, ишчи қисм конструктив бурчакларини асослаш, палахсани ишчи қисмдан улоқтириш масофаси ва ишчи қисмнинг судрашга қаршилиги бўйича назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Таклиф этилаётган ўғит шарбатини локал қуйиш усулининг технологик параметрлари қуйидагилардан иборат (1-расм):

- ўғит шарбати қуйилган масофанинг узунлиги,  $l_c$  м;
- ўғит шарбатини қуйиш чуқурлиги,  $a$  м;
- қуйиладиган ўғит шарбати микдори, л/пм;
- ўғит шарбатини локал қуйиш агрегатининг тезлиги, км/соат.




1-расм. Боғларга ўғит шарбатини локал қуйиш усулининг технологик параметрлари схемаси

Республикаимиз интенсив боғларидаги дарахтларни ўтқозиш схемаларининг таҳлилидан, дарахт турига боғлиқ ҳолда бир қатордаги дарахтлар орасидаги масофа ками 1 м қўпи 2,5 м бўлиб, қаторлар ораси кенглиги ками 3 м қўпи 3,5 м эканлиги аниқланди.

Қатор дарахтлари орасидаги масофа 1 м бўлганда ўғит шарбатини локал қуйишнинг мантиқийлиги йўқолади. Чунки ёнма-ён жойлашган дарахтларнинг илдизлари, улар орасидаги масофага тармоқланган бўлади. Бу усулда ўғит шарбати сарфи юқори бўлади. Бироқ ўғитлаш меъёрини камайитириш эвазига ўғит шарбати сарфини ростлаш мумкин.

Қатор орасидаги масофа 1,5 м ва ундан юқори бўлса ўғит шарбатини локал усулида қуйиш мумкин.


Иккинчи бобда келтирилган маълумотлар боғ дарахтлари илдизларининг тарқалиш диаметрини ўртача 0,6 м эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу ўлчамни асос сифатида қабул қилиб, ўғит шарбатини қуйиш масофаси аниқланди (2-расм).



1 – дарахт танаси; 2 –  $R_u$ -илдизларнинг тармоқланиш радиуси;  $l_a$ – дарахтлар орасидаги масофа;  $D_u$ – дарахт илдизларини тармоқланиш диаметри;  $t_x$ – химоя масофаси;  $l_k$ – ўғит шарбати қуйилмайдиган масофа

**2-расм. Ўғит шарбатини қуйиш масофасининг узунлигини аниқлаш сеҳмаси**

Ишчи қисм билан ўғит шарбатини тупроққа локал қуйиш технологик жараёни қуйидагича амалга оширилади (3-расм): сиғим ўғит шарбати билан тўлдирилган ҳолда ишчи ҳолатга келтирилиб, белгиланган ишлов бериш чуқурлигига ўрнатилади. Дастлаб, палахса пастки томондан искана, сўнгра ён томонларнинг қирралари билан қирқилади.




$a$ -ишлов бериш чуқурлиги,  $a_H$ -намланган қатлам, 1-ишчи қисм, 2-палахса, 3-суюлтирилган ўғит

**3-расм. Ишчи қисм билан ўғит шарбатини локал қуйиш технологик иш жараёни сеҳмаси**

Палахса ишчи қисм ички ишчи сиртлари бўйича ҳаракатланиши давомида ўғит шарбати сиғимлар тубидаги туйнукдан ишчи қисм таглиги ва эгат туби орасидаги жойга қуйилади. Қуйилган ўғит ишчи қисмдан тушаётган тупроқ билан кўмилади. Ўғит шарбатини қуйиш ишчи қисм мевали дарахт рўпарасига келишидан 50-56 см олдин бошланиб, 50-56 см


масофада ўтиб бўлгач тўхтатилади. Шу тарзда технологик жараён бажарилиши такрорланади.

Республикада боғ қатор оралари илдиз тизимида локал ўғит қуядиган агрегатларнинг деярли йўқлиги ва тадқиқот мақсадидан келиб-чиқиб, агрегатнинг принципиал схемаси ва чўмичсимон ишчи қисмининг конструкцияси ишлаб чиқилди 4-расм.



1 – трактор; 2 – насос; 3 – резервуар; 4 – тақсимлагич; 5 – ишчиқисм; 6 – рама

**4-расм. Ўғит шарбатини локал қуядиган агрегат схемаси**



1-диск; 2-шатун; 3-ёй; 4-йўналтиргич; 5-пружина;  
6-планка; 7-ўқ; 8-дарахт танаси; 9-тўсиқча;  
10-кувур

**5-расм. Ишчи қисмга ўғит шарбати ўтказадиган жўмракни ажратадиган қурилманинг схемаси**

Агрегат боғ қатор ораларига ишлов беришга мўлжалланган трактор 1 ва ўғит шарбатини локал қуядиган қурилмадан ташкил топган. Қурилма насос 2, резервуар 3, тақсимлагич 4, чўмичсимон ишчи қисм 5, рама 6 лардан ташкил топган.

Ўғит шарбатини ишчи қисмга вақти-вақти билан узатиб беришни таъминлайдиган жўмракни ажратадиган қурилма схемаси 5-расмда келтирилган. У горизонтал диск-1, шатун-2, ёй-3, йўналтиргич-4, пружина-5, планка-6, ўқ-7, тўсиқча-9; кувур-10, стерженлар 11 ва 12лардан ташкил топган. Диск 1 вертикал ўқ 7 билан бирга айланма ҳаракатланади. Диск 1

га унинг остки қисмида стерженлар 11 ва 12 ҳамда планка 6 қўзғалмас ўрнатилган. Стержен 11 га шатун 2 унга эса ёй 3 шарнирли бириктирилган.

Шатун 2 нинг горизонтал текислик бўйича ҳаракати йўналтиргич 4 бўйича таъминланади ва чекланади. Стержень 12 га пружина боғланган. Ўқ 7 га тўсиқча 9 қўзғалмас бириктирилган ва у қувур 10 да жойлаштирилган.

Қурилманинг иш принципи қуйидагича (5 а, б-расм): агрегат  $v_a$  тезлик билан боғ қатор ораси бўйича илгариланма ҳаракатланиши давомида ёй 3 мевали дарахт танаси 8 га тўқнашади. Шу ондан бошлаб, шатун 2 ёрдамида диск 1 ва ўқ 7 соат мили бўйича айланма ҳаракатга келади. Қувур 10 да жойлашган тўсиқча 9 ҳам ўқ 7 билан айланма ҳаракатга келиб, қувурдаги ўғит шарбати йўлини очади ва ишчи қисм орқали у белгиланган жойга локал қуйилади.


Бу жараён ёй 3 дарахт 8 танасидан ажралгунича давом этади, айна пайтда пружина 5 эса чўзилади. Стержень 11  $A_o$  ҳолатдан  $A_l$  ҳолатга ўтиб бўлган пайтдан бошлаб, пружина 5 диск 1 ва ўқ 7 ни соат мили йўналишига тескари томонга айлантира бошлайди. Ўқ 7 га ўрнатилган тўсиқча 9 дастлабки ҳолатга келади ва қувурда оқаётган ўғит шарбати йўлини тўсади ва ишчи қисмга ўғит шарбати узатилмайди. Планка 6 эса шатун 2 ни йўналтиргич 4 бўйича ҳаракатлантириб, дастлабки ҳолатига олиб келади. Ёй 3 кейинги дарахт танаси 8 билан тўқнашганда қурилманинг иш принципи яна такрорланади.

Ўғит шарбатини локал қуйиш масофасининг узун ёки қисқалиги планка 6 нинг ўрнини ўзгартириш орқали таъминланади.

Таклиф этилаётган локал усулда ўғит шарбати қуйишнинг мавжудларидан фарқи шундаки, ҳосил қилинадиган эгатдан ковлаб олинадиган палахса дала юзасига чиқарилиб, ўғит шарбати қуйилгач яна эгатга қайтариб туширилмайди, балки у ишчи қисм чўмичида бўлади. Шу вақтда ўғит шарбати қуйилиб, ишчи қисмдан чиқаётган палахса билан кўмилади б-расм.


Технологик жараён давомида, қирқиб олинадиган палахса горизонталга нисбатан  $\alpha$  бурчакда кўтарилиши натижасида дастлаб сиқилади. Палахса кўтарилиш жараёни охири, тушиш жараёни бошланиши орасида чўзилади. Кўтарилиб бўлган палахсанинг ҳаракати эгатга тушиш билан якунланади. Шунда палахса маълум даражада уваланади. Бу эса ўғит шарбатини сифатли кўмилишига замин яратади. Таклиф этилаётган ўғит шарбатини локал қуйиш усулини амалга оширадиган ишчи қисмнинг тузилиши б-расмда келтирилган.

Боғ қатор орасига ўғит шарбатини локал қуядиган ишчи қисм искана 1, ён томон 2 ларнинг ўткирланган қирралари 3, пастки 4 ва юқориги 5 асослар, юқори туйнук 6 ва пастки туйнук 7 дан иборат (б-расм). Ишчи қисмнинг ён томонлари 2 ўғит шарбати жойлаштириладиган сиғим вазифасини бажаришга мўлжалланган бўлиб, қопқоқ, туб, ички ва ташқи деворлардан иборат. Ташқи ва ички деворлар, агрегат ҳаракат йўналишига нисбатан ўзаро  $\beta$  ўткир бурчакда жойлаштирилган. Сиғимларнинг қопқоғида туйнук 6 очилган. Худди шундай туйнук 7 сиғимларнинг тубида ҳам очилган (б-расм).




1-искана, 2-ён томонлар, 3-ўткирилган ёнқирралар, 4, 5-мос ҳолда пастки ва юқориги асослар, 6-юқориги туйнук, 7-пастки туйнук, 8-ички ёндевор, 9-ташқи ёндевор

**6-расм. Ишчи қисм схемаси**



*a*



*б*

*a*-палахсанинг дастлабги ҳолати;  
*б*-палахсани  $h_k$  баландликка кўтарилгандаги ҳолати

**7 – расм. Ишчи қисм қирқиб оладиган палахса юзасини унинг ишчи**

Искана 1 нинг кенгайиш бурчаги  $2\gamma$  ва ўрнатилиш (увалаш) бурчаги  $\alpha$ , ён томон 2 лар қирра 3 ларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $\beta$  ва бўйлама текислик бўйича тикка нисбатан оғиш бурчаги  $\psi$ , кўндаланг текислик бўйича ён томон 2 ларнинг тикка нисбатан оғиш бурчаги  $\zeta$ , искана 1 нинг кенглиги  $b_u$  ва узунлиги  $l_u$ , сиғим кенглиги  $b_c$ , асос 4 кўтарилган қисмининг узунлиги  $l_k$  ва тушиш қисмининг узунлиги  $l_m$ . Ишчи қисм юқориги асоси кенглиги  $B$  ва баландлиги  $H$ .

7*a*-расмда  $ABCD=S_{ук}$  шакл бу ишчи қисмнинг юзасини англатади,  $S_{ук}$ -ишчи қисм кўндаланг кесим юзаси,  $m^2$ ;  $B_u$ -ишчи қисм юқори асоси,  $m$ ;  $b_u$ -ишчи қисм пастки асоси,  $m$ ;  $H$ -ишчи қисм баландлиги,  $m$ .

$B_u=35$  см,  $b_u=10$  см,  $H=35$  см қийматларда ишчи қисм юзаси  $S_{ук}=788$  см<sup>2</sup> ни ташкил қилмоқда. Ишчи қисм билан қирқиб олинадиган палахсанинг юзаси  $A_0 B_0 C_0 D_0=S_{п}$  аниқланди.

*a*-ишчи қисмнинг ишлов бериш

чуқурлиги,  $m$ ;  $B_{п}$ -палахсанинг юқори асоси,  $m$ .



$B_{II}=27,5$  см,  $b_u=10$  см,  $a=25$  см қийматлар бўйича ҳисобланганда қирқиб олинган палахсанинг юзаси  $S_{II}=469$  см<sup>2</sup> ташкил этмоқда.


Таклиф этилган технологик жараён бўйича ўғит шарбати жойлашадиган ҳажм ҳосил қилиш учун палахса  $h_k$  баландликга кўтарилиши лозим. Бироқ, мазкур палахса ишчи қисм ён деворларидан тошиб тўкилмаслиги зарур. Ушбу шартни таъминланиши учун палахса кўтарилгандан сўнг у жойлашадиган кўндаланг кесим юзасини аниқлаш талаб қилинади.  $h_k$ -палахсани кўтарилиш баландлиги, м;  $b_k$ -палахса  $h_k$  баландликга кўтарилганда палахсанинг пастки асоси, м.

$B_u=35$  см,  $b_k=20$  см,  $H=35$  см,  $h_k=15$  см қийматлар бўйича ҳисобланганда қирқиб олинган палахсанинг юзаси  $S_{II}=550$  см<sup>2</sup> ташкил этмоқда. Палахса ҳаракат қилиши учун юза мавжудлигини кўрсатади, яъни тупроқ ишчи қисм ён деворларидан тукилмайди. Қирқиб олинган палахсани ишчи қисм ҳаракати давомида унинг ҳажмини 1,3 мартта катталашганда ҳам ён деворларидан тўкилмайди.

Ўғит шарбати агрегат дарахт рўпарасига келганда тўкилади, тўкилишнинг бошланиши ва тугаши яъни, тўкилиш давомийлиги иш сифатига таъсир этувчи фактор ҳисобланади, шу сабабли тўкилиш давомийлиги қуйидаги ифода билан аниқланади,

$$t = \frac{32L\Omega\sqrt{\Omega}}{3\mu\omega\chi\sqrt{2g\chi}} \quad (1)$$

Суюлтирилганликнинг узлуксизлиги қонуниятига асосан, ўғит шарбатини тўкилиш давомийлиги билан ишчи қисм туйнук юзаси орасида тўғри функционал боғлиқлиги графикларда келтирилди. Жумладан, ўғит шарбатини тўкилиш вақтининг тирқиш юзаси ўзгаришига боғлиқлиги 8-расмда келтирилган.



1.  $L=20$  см; 2.  $L=25$  см; 3.  $L=30$  см.

**8-расм. Ўғит шарбатини тўкилиш давомийлигини туйнук юзасига боғлиқ равишда ўзгариш графиги**


Масалан, ишчи қисм сифимининг узунлиги 25 см ва туйнук юзаси 40 см<sup>2</sup> бўлганда, ўғит шарбатини тўкилиш давомийлиги 0,5-0,9 сек ташкил этмоқда.

Ўғит шарбатини ишчи қисмдан тўкилиш давомийлиги маълум бўлгандан кейин ушбу вақтга мос келадиган унинг оқими тезлигини аниқлаш мумкин

$$Q_c = \frac{V}{\omega t}, \quad (2)$$


Ўғит шарбатини ишчи қисмдан оқиб чиқиш тезлигини унинг тўкилиш

давомийлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиги 9 – расмда келтирилган.



*a*

1.  $V=0,01 \text{ м}^3$ ; 2.  $V=0,011 \text{ м}^3$ ;  
3.  $V=0,012 \text{ м}^3$ .




*b*

1.  $\omega=30 \text{ см}^2$ ; 2.  $\omega=50 \text{ см}^2$ ;  
3.  $\omega=70 \text{ см}^2$

**9-расм. Ўғит шарбатини ишчи қисмдан оқиб чиқиш тезлигини унинг тўкилиш давомийлигига боғлиқ равишда ўзгариш графикалари**

9*a*-расмдаги график таҳлилидан дарахтларнинг илдиз тизимига ўғит шарбатини агротехник талабларда кўрсатилган миқдорда туйнукдан тўлик тўкилиш имкони мавжудлигини кўриш мумкин. Демак  $V=0,011 \text{ м}^3$  (11л) хажмдаги ўғит шарбати туйнукдан белгиланган вақтда тўкилишга улгуради.



- 1- $\phi=25^\circ$ , 2- $\phi=30^\circ$ , 3- $\phi=35^\circ$ .

**10-расм.  $V_k$  тезликни  $\phi$  нинг турли қийматларида  $\beta$  бурчакка боғлиқ равишда ўзгариш графиги**

9*b*-расмдан кўришиб турибдики, технологик жараёни тўлик сифатли бажарилиши учун тирқиш юзаси  $\omega=50 \text{ см}^2$  ва тўкилиш давомийлиги  $t=0,9-1,1 \text{ с}$  бўлганда ундан ўғит шарбатини тўкилишдаги тезлиги  $v_c=1-3 \text{ м/с}$  ораликда ўзгариши мумкин.

Ишчи қисм олдида тупроқ уюлиб қолмаслик шarti.

$$V_k = v_a \frac{\sin \beta}{\cos \varphi} \cdot \cos(\beta + \varphi) \quad (3)$$

10-расмдаги график таҳлилидан  $\beta=30-35^\circ$  оралиғида  $V_k$  тупроқ бўлақларининг кўндаланг тезлиги юқори бўлганини кўриш

мумкин.

Мевали дарахтлар илдизни кесиш учун сарфланган куч қуйидаги ифода билан аниқланади,

$$P_{ул} = k_1 k_2 b \sqrt{\frac{m}{s}} d^2 \left[ k_3 \sigma \sqrt{\frac{p_k}{\pi E}} \sqrt{1 + f^2} \sin(\psi + \varphi) + k_4 \sigma_p \right] \quad (4)$$

бунда  $k_I$ –кесиладиган илдизлар кўндаланг кесими  $S_{ул}$  юзалари йиғиндисининг



палахса  $S_n$  юзасига нисбати қиймати;  $k_2$ –ишчи қисмнинг битта ён пичоғи билан бир вақтда кесиладиган илдизлар сони, дона;  $k_3$ – $m$  сондаги илдизлардан ишчи қисм билан кесилганлари сонини ҳисобга оладиган коэффицент;  $k_4$ – $m$  сондаги илдизлардан ишчи қисм билан узулганлари сонини ҳисобга оладиган коэффицент;  $b$ –ишчи қисм иш кенглиги, м;  $m$ –бўйлама тик текислик бўйича ишчи қисм ён пичоғи ўлчамларига тенг бўлган тупроқ қатламидаги илдизлар сони, дона;  $s$ –илдизлар жойлашган юза, м<sup>2</sup>;  $d$ –илдизларнинг ўртача диаметри, м;  $p_k$ –тупроқнинг қаттиқлиги, Па;  $f$ –илдизнинг ишқаланиш коэффиценти;  $\varphi$ –ишқаланиш бурчаги, градус;  $\psi$ –кесиш бурчаги, градус;  $E$ –илдизнинг қайишқоқлик модули, Па;  $\sigma$ –илдизнинг солиштирма қаршилиги, Па;  $\sigma_p$ –илдизнинг чўзилишдаги чегаравий мустаҳкамлиги, Па.

Тупроқнинг физик-механик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда, ишчи қисмнинг параметрлари, иш шароитлари, агрегат  $\leq 4$ км/соат дан кичик тезликда ҳаракатланганда ҳосил бўладиган қаршилик кучи куйидаги ифода билан аниқланади

$$P = Kab + abl_u \gamma g \frac{\sin \xi + f_1 (\cos \psi \operatorname{ctg} \psi + \sin \psi \cos \xi)}{\cos \xi - f_1 \sin \psi \sin \xi} + P_{ul} \quad (5)$$

бунда  $K$ –тупроқнинг солиштирма қаршилиги, Па;  $a$ –ишлов бериш чуқурлиги, м;  $l_u$ –искана узунлиги, м;  $\xi$ –ён пичоқни ўрнатилиш бурчаги, градус;  $\gamma$ –илдизли тупроқнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $f_1$ –тупроқнинг ишқаланиш коэффиценти;  $P_{ul}$ –илдизларни кесиш учун сарфланган ўртача куч.

Шундай қилиб, ишчи қисмнинг тупроқ ва мевали дарах илдизлари билан ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, тупроқ ва илдизларнинг деформациясининг табиати бошқача, шунинг учун ишчи қисмни параметрларни асослашда тупроқ ҳамда илдиз тизимини ягона объект сифатида кўриб чиқиш керак.

$k_1=0,13$ ,  $k_2=4$  дона,  $b=0,22$  м,  $m=71$  дона,  $s=0,08$  м<sup>2</sup>,  $d=0,010$  м,  $k_3=0,39$ ,  $k_4=0,61$ ,  $p_k=1,3$  мПа,  $f=0,57$ ,  $\varphi=30^\circ$ ,  $\psi=30^\circ$ ,  $E=5,2 \cdot 10^9$  Па,  $\sigma=20000$  Па,  $\sigma_p=155255$  Па,  $K=40000$  Па,  $a=0,25$  м,  $l_u=0,05$  м,  $\xi=17^\circ$ ,  $\gamma=1300$  кг/м<sup>3</sup> ва  $f_1=0,3$  қабул қилиниб, (5) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар агрегат 4км/соат ҳаракат тезлигида, бир дона ишчи қисмнинг судрашга қаршилиги 3450 Н бўлишини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Ўғит шарбатини локал қуйишнинг экспериментал натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида экспериментларни ўтказиш дастури ва шартлари, ўғит шарбатини ишчи қисм сиғимидан тўкилиш давомийлиги ва масофасини аниқлаш усули ҳамда натижалари, ўғит шарбатини тупроққа шимилишини аниқлаш усули ва натижалари, лаборатория шароитида ишчи қисмни судрашга қаршилигини аниқлаш усули ва натижалари, агрегат тезлиги, ишчи қисм ён пичоқларининг ўрнатилиш ва исканани увалаш бурчаклари ҳамда ишлов бериш чуқурлигини судрашга қаршиликка таъсири ва экспериментларни математик режалаштириш усулини қўллаб ишчи қисм параметрларини мақбуллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда ишчи қисм ён пичоқларининг ўрнатилиш ва исқанани увалаш бурчаклари ҳамда ишлов бериш чуқурлигини судрашга қаршилигига таъсирийўрганилди, иккинчи босқичда эса тажрибаларни математик режалаштириш усули қўлланилиб, кўп омилли тажрибалар ўтказилди.

Ўтказилган икки ва тўрт омилли экспериментал тадқиқотларда 3-7 км/соат ҳаракат тезлигида кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминлаши учун сиғим пастки асосидаги туйнук юзасининг умумий юзага нисбати 0,8-1,0, исқананинг увалаш бурчаги 25-35°, ён пичоқларни бўйлама текислик бўйича вертикалга нисбатан ўрнатиш бурчаги 10-20°, ён пичоқларни кўндаланг текислик бўйича вертикалга нисбатан ўрнатиш бурчаги 25-35° бўлиши лозимлиги аниқланди.

Назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган ишчи қисм параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш учун  $B_2$  ва  $Ha_4$  режалари бўйича кўп омилли экспериментлар ўтказилди.

Бунда ишчи қисмнинг ҳаракат тезлиги, сиғим пастки асосидаги туйнук юзасининг умумий юзага нисбати, исқананинг увалаш бурчаги, ён пичоқларни бўйлама текислик бўйича вертикалга нисбатан ўрнатиш бурчаги, ён пичоқларни кўндаланг текислик бўйича вертикалга нисбатан ўрнатиш бурчакларига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди.

Баҳолаш мезони сифатида ўғит шарбатини тўкилиш масофаси ва ишчи қисмнинг судрашга қаршилиги қабул қилинди.

Тажриба натижаларига тегишли тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди

- Ўғит шарбатини тўкилиш масофаси, м

$$l=1,179-0,063X_1+0,057X_2-0,024X_1^2+0,033X_1X_2+0,024X_2^2; \quad (6)$$

- ишчи қисмни судрашга қаршилиги, Н

$$P=4724,21+123,27X_1+221,00X_2+149,98X_3+839,92X_4+508,77X_1^2+14,10X_1X_2-14,11X_1X_4+537,36X_2^2+84,51X_2X_3+64,20X_2X_4-73,56X_3^2-56,73X_3X_4+223,11X_4^2 \quad (7)$$

Мазкур регрессия тенгламаларини таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- сиғим пастки асосидаги туйнук юзасининг умумий юзага нисбати ортиши ўғит шарбатини тўкилиш масофаси камайишига олиб келган;

- ишчи қисм исқанасининг увалаш бурчаги, ён пичоқларни бўйлама текислик бўйича вертикалга нисбатан ўрнатиш бурчаги, ён пичоқларни кўндаланг текислик бўйича вертикалга нисбатан ўрнатиш бурчакларининг ортиши билан ишчи қисмнинг судрашга қаршилиги ҳам ортган.

Параметрларнинг талаб даражасидаги қийматларини аниқлашда олинган (6) ва (7) регрессия тенгламалари ПК “Pentium IV” компьютерида Excel дастурини “ечимни қидириш” амали бўйича 3-7 км/соат тезликлар учун биргаликда ечилди. Регрессия тенгламаларини биргаликда ечишда  $Y_1$  мезон, ўғит шарбатини тўкилиш масофаси 112 мм дан катта бўлмаслиги,  $Y_2$  мезон, яъни ишчи қисмнинг судрашга қаршилиги минимал қийматга эга бўлиши шартлари қабул қилинди.

Олинган натижалар бўйича боғларда ўғит шарбатини локал қуядиганишчи қисм 3-7 км/соат иш тезликларда белгиланган талаб даражасидаги иш сифатини таъминлаши учун сиғим пастки асосидаги туйнук юзасининг умумий юзага нисбати 0,8-1,0, искананинг увалаш бурчаги 25-35°, ён пичоқларни бўйлама текислик бўйича вертикалга нисбатан ўрнатиш бурчаги 10-20°, ён пичоқларни кўндаланг текислик бўйича вертикалга нисбатан ўрнатиш бурчаги 25-35° оралиғида бўлиши лозим. Бу олинган натижалар назарий тадқиқотларда олинган натижаларга мос келади.

Диссертациянинг «**Ишчи қисмнинг хўжалик синовлари натижалари ва иқтисодий самараси**» деб номланган бешинчи бобида тавсия этилаётган параметрли ишчи қисм синовларининг натижалари, ишчи қисмнинг агротехник кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибаларнинг натижалари ва ундан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган ишчи қисмнинг тажриба нусхаси белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос бўлди.

Ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатадики, боғ қатор ораларига ўғит шарбатини локал қуядиган ишчи қисм қўлланилганда 1 гектар майдонга сарфланадиган эксплуатацион харажатлар 41,8 фоизга камаяди. Бунда битта агрегатга мавсумий иқтисодий самара 13389215,76 сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

**«Боғ дарахтлари илдиз тизимига суюлтирилган ўғитларни қуядиган ишчи қисм параметрларини асослаш»** мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Боғ қатор ораларига ўғит шарбатини локал қуядиган ишчи қисм конструкцияларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболи ҳамда уларнинг иш жараёнларини таҳлил этиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар, мевали дарахтлар илдиз тизимига ўғит шарбатини локал қуядиган кўп функцияли ишчи қисмнинг конструкциясини ишлаб чиқиш имконини яратди.

2. Боғларда олма дарахти илдизининг ўртача тарқалиш радиуси 60 см, чуқурлиги 70 см, дарахт танаси атрофидаги масофа бўйича илдизлар сони 5-70 донагача, уларнинг ўртача диаметри 14 мм бўлиб, диаметри 10 мм бўлган битта илдизни узишга сарфланадиган куч 200-250 Н оралиғида ўзгаради.

3. Гўнг шарбатининг намлиги 92 % бўлганда аралашма яхши аралашиб, қатламларга ажралмайди ва белгиланган масофага муддатида ва миқдорида қуйилиш имкониятини беради.

4. Ҳар бир мевали дарахт илдиз тизимининг бир томони тупроғига 10-12 л миқдордаги гўнг шарбатини қуйиш, ишчи қисм сиғими узунлиги  $L=200-300$  мм, ҳажми  $V=0,01-0,012$  м<sup>3</sup>, тўкилиш туйнугининг юзаси  $\omega=30-70$  см<sup>2</sup> бўлиши

ва гўнг шарбатининг тўкилиш давомийлигини  $t=0,9-1,1$  сек да таъминланади.

5. Назарий тадқиқотлар натижалари бўйича кам энергия сарфлаб талаб даражасида боғ қатор ораларига ўғит шарбатини қуйиш, ён пичоқларни кўндаланг текислик бўйича вертикалга нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $\Psi=30^\circ$ , бўйлама текислик бўйича эса вертикалга нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $\xi=15^\circ$ , исқананинг эни  $b_u=10$  см, узунлиги  $l_u=5$  см ва уни тупроққа кириш бурчаги  $\alpha=30^\circ$  бўлганда таъминланади.

6. Агрегат кам энергия сарфлаб талаб даражасида боғ қатор ораларига гўнг шарбатини қуйиш, ишчи қисм кенглиги  $B_u=30$  см, баландлиги  $H=350$  мм, ишлов бериш чуқурлиги  $h=25$  см ва агрегатнинг ҳаракатланиш тезлиги  $\vartheta_a=4-5$  км/соат бўлганда таъминланади.

7. Боғ қатор ораларига гўнг шарбатини локал қуядиган ишчи қисм қўлланилганда бир гектар боғга сарфланадиган тўғридан-тўғри (эксплуатацион) харажатлар 41,8 фоизга камаяди. Бунда битта агрегатга мавсумий иқтисодий самара 13389215,76 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**КУЗИЕВ УЛУГБЕК ТАДЖИЕВИЧ**

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ РАБОЧЕГО ОРГАНА ПО  
ВНЕСЕНИЮ РАЗЖИЖЕННЫХ УДОБРЕНИЙ В КОРНЕВУЮ  
СИСТЕМУ САДОВЫХ ДЕРЕВЬЕВ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.4.PhD/T943.**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Худаяров Бердирасул Мирзаевич  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Нуриев Карим Катибович  
доктор технических наук, профессор  
Мусурмонов Аззам Турдиевич  
доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация:** Научно-исследовательский институт  
механизации сельского хозяйства

Защита диссертации состоится **«7» август 2020 г. в 11<sup>00</sup> часов** на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.01 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39.Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер\_\_\_). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39.Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «10» июль 2020 года  
(Протокол рассылки №3 от 10 июль 2020 года)



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире ведущее место занимает производство энерго-ресурсосберегающих технологии и технических средств подкормления садовых деревьев жидким удобрением. «Если учесть, что в мировом масштабе площадь земель возделывания фруктов, составляет 40 млн. гектаров»<sup>1</sup>, то важной задачей считается разработка энерго-ресурсосберегающих технологии и технических средств с высоким качеством работы и производительностью. Вместе с этим, большое внимание уделяется разработкам и применению машин, выполняющих все технологические процессы по локальному внесению разжиженного удобрения в зону распространения каждого дерева.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических основ ресурсосберегающих технологий внесения разжиженных удобрений в междурядья сада и технических средств для их осуществления. В этом направлении, актуальным является проведение целенаправленных научных исследований по разработке конструктивных схем рабочего органа для локального внесения разжиженного удобрения в междурядья сада, обоснованию технологического процесса работы и обеспечению ресурсосбережения в процессе взаимодействия их с почвой и корнями деревьев. В этом аспекте разработка многофункциональных рабочих органов, является востребованной.

